

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҲАЙИТОВ АЛИШЕР АДҲАМОВИЧ**

**ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИҒИ КИСТАЛАРИНИНГ ТАШХИСОТИ ВА  
ДАВОСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**14.00.04- Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)**

**Ҳайитов Алишер Адхамович**

Юқори жағ бўшлиғи кисталарининг ташхисоти ва давоси самарадорлигини ошириш.....3

**Хайитов Алишер Адхамович**

Повышение эффективности диагностики и лечения кист верхнечелюстных пазух.....24

**Khayitov Alisher Adkhamovich**

Improving the effectiveness of diagnosis and treatment of cysts of the maxillary sinus .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ҲАЙИТОВ АЛИШЕР АДҲАМОВИЧ**

**ЮҚОРИ ЖАҒ БЎШЛИҒИ КИСТАЛАРИНИНГ ТАШХИСОТИ ВА ДАВОСИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**14.00.04- Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib.1496 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Насретдинова Махзуна Тахсиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Егоров Виктор Иванович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Джахонгир Фазлидинович**  
тиббиёт фанлари доктори доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Пловдив тиббиёт университети**  
**(Болгария Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А.Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У.Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш  
котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Қ.Э.Шомирадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда юқори жағ бўшлиқларининг кисталари ЛОР патологияси орасида кўп учрайдиган касалликларидан бири бўлиб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...бурун ён бўшлиқларининг кисталари 12-22% кишиларда бошнинг компьютер томографияси орқали текшируви вақтида тасодифан аниқланади ва кўпинча белгиларсиз кечади...»<sup>1</sup>. Сурункали синусит замонавий тиббиёт долзарб муаммоларидан бири бўлиб, охириги 20 йил давомида шу касаллик билан касалланиш ҳолати икки баробарга ошди. Ҳозирги вақтда бурун ён бўшлиқларининг кисталари – сурункали синуситнинг энг кўп учрайдиган шаклларида биридир. Юқори жағ бўшлиғининг кисталари – бош ўрта учлигининг энг кўп учрайдиган патологияларидан ҳисобланади. Ҳанузгача юқори жағ бўшлиқларида кузатиладиган кисталарни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндашуви бўйича яхлит фикр мавжуд эмас. Шу жihatдан ҳам бугунги кунда жаҳон микёсида юқори жағ бўшлиғи кистаси ташхиси ва даволашни самарали ташкил қилиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда тиббиётдаги сурункали синуситлар, жумладан, юқори жағ бўшлиғи кистаси касаллиги билан оғриган беморларда касалликнинг илк даврларида ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика усулларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотларга юқори аҳамият берилмоқда. Бундан шу нарса маълумки, замонавий тиббий ёрдамнинг даражасини ошириш, аҳоли орасида юқори жағ бўшлиғи кистаси (кейинги ўринларда – ЮЖБК) билан оғриган беморларнинг эрта босқичларида ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун чуқур илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишини белгилайди. Бугунги кунда юқори жағ бўшлиғи кистаси ташхисотини ва даволаш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, аҳолига ихтисослаштирилган оториноларингологик ва унинг таркибида ЮЖБК бўлган беморларга мўлжалланган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ЮЖБК беморларига замонавий тиббий ёрдам даражасини ошириш, аҳоли ўртасида оториноларингологик касалликларни ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотида кўра, 2017 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

ёрдам кўрсатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш каби чуқур илмий изланишларнинг асосий меъзони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юқори жағ бўшлиғи кисталари патогенезининг чуқурлаштирилган илмий изланишлари қатор тадқиқотчилар томонидан эътибор марказига олинган бўлиб, улар терапевтик тузатишлар ва профилактиканинг оқилона усулларини излаш долзарблигини белгилайди (Алахвердиев С.А., 2011; Г.А.Гаджимирзаев, 2012; Баранская С.В., 2014; Sawatsubashi M., 2015; Крюков А. И., 2019). Бугунги кунда юқори жағ бўшлиғи кисталари ташхисоти ва уларни даволаш ҳақидаги қарашлар янги, самарали маълумотлар билан тўлдирилмоқда. Аммо бурун ён бўшлиқларида кисталари бор кўп сонли беморларда ўтказилган даволаш тажрибасини умумлаштирувчи ишлар мавжуд эмас. Ўртача ҳисобда юқори жағ бўшлиғи кисталари 21,6% текширилаётган беморларда аниқланади (Пискунов Г.З., 2009; Ламкова А.Х., 2011; Duncavage J.A., 2011; Крюков А. И., 2015; Бойко Н.В., 2019). Бинобарин, касалланишнинг юқори даражаси ва анъанавий даволаш усулларини қўллаганда самарасининг пастлиги юқори жағ бўшлиғи кисталари даволашда янги маҳаллий аъзони сақловчи усулларни излаш ва ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради.

Ўзбекистонда назарий ва амалий жиҳатдан даволашнинг янги усулларини такомиллаштириш оториноларингологиянинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлган ва шундайлигича қолмоқда, бироқ юқори жағ синуси кисталарини эрта ташхислаш, бу ҳолатнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсири, унинг патогенетик жиҳатлари охиригача ўрганилмаган, бу эса ўз навбатида мазкур масалалар бўйича ташхислаш ва даволаш такомиллаштирилмаганидан далолат беради.

Инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммони ечишга қаратилган ушбу тадқиқот иши бир қатор чора-тадбирлар бажаралишини талаб этади, натижада аксарият ҳолларда аҳоли саломатлиги яхшиланишига эришилади. Бу эса мазкур диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси илмий тадқиқот

ишларининг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда бажарилганлигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012500135 «Юқори жағ бўшлиғи кисталари чалинган беморларда эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг янги технологияларини жорий этиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - юқори жағ бўшлиғи кисталарини эрта ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

-жарроҳлик аралашувидан олдин ва кейин бурун шиллик пардасининг ҳимоя функциялари ҳамда назал секретда гуморал иммунитет кўрсаткичларини баҳолаш;

-пастки бурун йўли орқали эндоскопик эндоназал гайморотомияни амалга ошириш учун қурилма ишлаб чиқиш ва мавжуд техникани такомиллаштириш;

-юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд бўлган беморларда юқори жағ бўшлиғида бажариладиган жарроҳлик аралашувларининг турли усуллари билан солиштирган ҳолда пастки бурун йўли орқали амалга ошириладиган эндоскопик операциянинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

-юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд бўлган беморларда такомиллашган эндоскопик операция ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усуллари қўлланилгандан кейин беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш;

-юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд бўлган беморларда касалликнинг қайталанишини олдини олиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018–2020 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-сон клиникаси оториноларингология бўлимида, ҳамда МЧЖ GMG тиббий марказга мурожаат қилган 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган 139 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** – юқори жағ кисталари мавжуд беморларнинг рентгенологик маълумотлар, назал лаваждаги иммуноглобулинлар ҳолати, бурун шиллик пардасининг ҳимоя вазифасини аниқловчи усуллар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, рентгенологик, лаборатор, инструментал, функционал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

-жарроҳлик амалиётидан кейин беморларда бурун бўшлиғи шиллик пардасининг сўрилувчанлиги, мукоциллиар транспорт ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзгариши ўзаро боғлиқлиги исботланган;

-илк бор ЮЖБК билан касалланган беморларда бошқа сурункали риносинусит касаллигидан фарқлаш ва буруннинг функционал ҳолатини тўғри баҳолаган ҳолда максимал даво усулларини белгилашда эксперт

мезонлари, анкета сўровномаси ва оториноларингологик текширувларни бир вақтда қўллаш эрта диагностик аҳамияти асосланган;

-ЮЖБК билан касалланган беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун ишлаб чиқилган қурилма ёрдамида ПБҲ орқали эндоскопик амалиётининг самарадорлиги инфундибулотомия ва микрогайморотомиядан афзаллиги бўйича қолишмаслиги исботланган;

-ЮЖБК билан касалланган беморларда мукамаллаштирилган жарроҳлик амалиетидан кейин, иммуномодуляторлар ва комбинациялашган назал воситаларнинг комплекс куллаш касаллик қайталанишининг камайиши ва ҳаёт тарзи сифати яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

-юқори жағ бўшлиғининг кисталарини жарроҳлик йўли билан даволашда пастки бурун йўли орқали бажариладиган кам инвазив бўлган эндоскопик эндоназал гайморотомияни афзаллиги исботланган;

-юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд бўлган беморларда касалликнинг операциядан кейинги даврида замонавий ташхисот мезонларидан ҳамда беморларни олиб боришнинг кетма-кетликдаги тактикасидан фойдаланиш клиник белгиларнинг сусайишига ва касалликнинг қайталаниши камайишига олиб келган;

-юқори жағ синусининг кисталари булган беморларда жарроҳлик амалиёти орқали даволаш зарурлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва амалий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, функционал, рентгенологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларида юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд беморларда эндоназал жарроҳлик ҳажмини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори жағ бўшлиғининг кисталари мавжуд беморларда операциядан олдинги текшириш натижалари бўйича беморларни саралаш учун сўровнома дастури ишлаб чиқилганлиги ва пастки бурун йўли орқали эндоскопик жарроҳлик йўли билан даволашда қўлланиладиган такомиллаштирилган усулнинг юқори самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори жағ бўшлиғида бажариладиган аралашувнинг ишлаб чиқилган кам инвазивли усули оториноларингологлар томонидан юқори жағ бўшлиғининг турли патологияларида шифохонада ётган ҳам, амбулатор шароитда даволанаётган ҳам, шунингдек ёндош соматик патологияси мавжуд беморларда ҳам маҳаллий анестезия остида иқтисодий мақсадга мувофиқликни таъминлаб қўлланилиши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўп омилли касаллик ҳисобланган юқори жағ бўшлиғи кистасини эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

-юқори жағ бўшлиғи кисталарни эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юқори жағ бўшлиғи кисталари ташхисотининг такомиллаштирилган алгоритми» номли услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 8н-р/72-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши юқори жағ бўшлиғи кистоз зарарланган беморларда иммун тизимини меъёрга келтирувчи воситаларни қўллаш йўли билан даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

-юқори жағ бўшлиғи кисталарининг кам инвазив даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Юқори жағ бўшлиғи кисталарини жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 8н-р/73-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида юқори жағ бўшлиғи кистоз зарарланган беморларда таклиф этилган жарроҳлик усули билан даволаш пастки бурун йўли орқали кам инвазив имкон беради, бу буруннинг функционал ҳолатини сақлаб қолиш имконини оширган;

-юқори жағ бўшлиғи кисталарининг ташхисоти ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Навоий вилоят тиббий кўп тармоқли маркази, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-сонли клиникаси оториноларингология бўлими клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 июлдаги 8 н-з/221 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида муаллиф ўтказилган ишнинг олиб борилиши асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва

предмети баён этилган, республикада фан ва техника ривожланишининг устун йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий кўникмалар тадқиқотнинг натижаларида батафсил ёритилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти таъкидланган, тадқиқот натижаларини амалиётда илгари суриш тўғрисида, шунингдек, нашр этилган асарлар ва тегишли диссертациялар ҳақидаги материаллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бурун ён бўшлиқлари кисталарининг этиологияси ва патогенезига замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида илмий адабиёт маълумотларини, шунингдек, турли тадқиқотчиларнинг қарашлари батафсил таҳлили ва натижалари келтирилган. Ушбу боб параграфлари юқори жағ синуси кисталарининг этиологияси ва патогенези, ташхисоти ва даволаш муаммолари бўйича мавжуд бўлган илмий маълумотлар шарҳига бағишланиши билан бирга, юқори жағ бўшлиғининг кистасида иммун бузилишлар табиати кўриб чиқилган. Хусусан, юқори жағ бўшлиғининг кистасини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоларига бағишланган.

Диссертациясининг «**Юқори жағ бўшлиғи кисталарининг ташхислаш ва даволаш материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник, рентгенологик, функционал, иммунологик тадқиқот усуллари, жумладан, юқори жағ бўшлиғи кисталарига чалинган беморларни даволаш усуллари батафсил баён этилган.

Илмий тадқиқот амалиётида 2018-2020 йиллар мобайнида “Golden medical group” МЧЖ клиникаси ва СамДТИ 1-сон клиникасига мурожаат қилган юқори жағ бўшлиғининг кистозли зарарланиши кузатилган 139 нафар беморларнинг текшируви ташкил этади. Барча беморлар жарроҳлик йўли билан даволанган. Тадқиқотда қатнашишга рухсат бериш, тадқиқотга киритмаслик ва текширишдан истисно этиш мезонлари аниқланди.

Илмий-тадқиқот иши олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, мазкур гуруҳларда: асосий гуруҳ, таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳида тадқиқотлар ўтказилди. Асосий гуруҳ (n=77), барча беморларда юқори жағ бўшлиғига пастки бурун йўли орқали ёндашувнинг такомиллашган усули қўлланилди. Таққослаш гуруҳи (n=62) 2 та гуруҳга бўлинди. А гуруҳда (n=42) олдинги девор орқали радикал гайморотомия, В гуруҳда (n=20) ўрта бурун йўли орқали эндоназал гайморотомия бажарилди, назорат гуруҳидаги (n=20) бурун ва бурун ён бўшлиқларида патология аниқланмаган соғлом кишилар буруннинг транспорт, сўрилувчи функциялари ва назал секретнинг иммунологик кўрсаткичларини тадқиқ этиш ҳамда меъёрий қийматларни аниқлаш мақсадида текширилди.

Тадқиқотга киритилган беморлар 18 ёшдан 74 ёшгача 62 нафар аёл ва 77 нафар эркакдан ташкил топган бўлиб, беморларнинг мутлоқ сони – 83 ҳолатда (51,8%) касаллик 31-45 ёшда, нисбатан кўпчилик сони – 50 ҳолатда (31,2%) касаллик 30 ёшгача ривожланган. Беморларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшда бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $31,4 \pm 3,6$  ёшни ташкил этган.

Текширилган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун биз “Касалликларни қиёсий ташхисоти учун бошланғич сўровнома” электрон сўровномасини (SODDZ.exe DGU-20211236) ишлаб чиқдик ва беморларга

уларни тўлдиришни таклиф этдик. Беморлар ҳаёт сифатини баҳолашда асосий белгилардан бири бош оғриғи бўлиб, 136 нафар (98%) бемор мазкур шикоятни билдиришган, 97 нафар (70%) бемор бурундаги ажралмалардан шикоят қилишган. 84 нафар (61%) беморда ҳолсизлик аниқланган. 48 нафар (34,5%) бемор юқори жағ бўшлиғи проекциясида кузатиладиган ёқимсиз сезги ҳақида билдиришган. 108 нафар (78%) беморда ҳалқум орқа девори бўйлаб шилликнинг оқиб ўтиши аниқланган.

Барча беморларда оториноларингологик кўрик ўтказилди, у бурун бўшлиғи ва бурун ҳалқумнинг эндоскопик кўриги, фарингоскопия, отоскопия ва ларингоскопиядан ташкил топган.

Мукоцилиар транспорт вақтини (МЦТВ) текширишда озик-овқат учун ишлатиладиган сахарин қўлланилган.

Бурун бўшлиғи шиллик пардасининг сўрилувчи хусусиятини аниқлаш учун Б.М.Сагалович модификациясида С.Г.Боржимнинг машҳур усули қўлланилган.

Юқори жағ бўшлиғи кистаси билан оғриган беморлар назал секретарида гуморал иммунитет кўрсаткичлари ўрганилди:

- С Mancini et al. (1965) бўйича моноспецифик антизардобларни қўллаб радиал иммунодиффузия усулида назал иммуноглобулин Е даражаси ва ИФА усулида назал иммуноглобулин А миқдори аниқланди.

Олинган натижалар ишлови вариацион статистика усулида амалга оширилди. 95% ишончлилик даражаси Студент мезони бўйича баҳоланди ( $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг **“Клиник тадқиқот натижалари ва таққослаш гуруҳида беморларни даволаш самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган клиник, рентгенологик, функционал ва иммунологик тадқиқотлар натижалари тавсифланган.

Касалликнинг тарқалганлиги ва таққослаш гуруҳларида беморларнинг солиштирма тавсифи тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган. Бир томонлама кистозли юқори жағ синусити 119 ҳолатда, юқори жағ бўшлиғининг икки томонлама кистаси 20 нафар текширилаётган беморда аниқланган. Тадқиқот ўтказилиш мобайнида жами 159та бўшлиқ текширилган. Кисталарнинг кўпчилиги ЮЖБ пастки девори соҳасида (91 (65,71%) ҳолатда) жойлашган ёки бутун бир бўшлиқнинг ичини эгаллаган (17 (27,12%) ҳолатда).

Жарроҳлик йўли билан даволаш кўриш бурчаги 2,7 ва 4 мм бўлган оптикали эндоскопдан, видеоаппаратура ва махсус асбоблардан фойдаланиб амалга оширилган. Зарурият бўлганда ва беморнинг розилиги билан бурун ичи тузилмаларининг коррекцияси бажарилган (бурун тўсиғининг шиллик ости резекцияси, вазотомия ёки бурун чиғаноқларининг қисман резекцияси).

Клиник самарадорлик қуйидаги тарзда аниқланган:

- “яхши” – жарроҳлик йўли билан даволашнинг исталмаган натижалари ва касалликнинг қайталаниши кузатилмаганда ҳамда реабилитация муддатларининг қисқариши қайд этилганда;

-“қониқарли” – жарроҳлик аралашувининг исталмаган натижалари мавжуд бўлганда ва жарроҳлик аралашувидан кейин реабилитация муддатларининг узайиши кузатилганда;

-“қониқарсиз” – касалликнинг қайталаниши юзага келганда, операциядан кейинги даврда жарроҳлик аралашувининг исталмаган натижалари мавжуд бўлганда ва реабилитация муддатларининг узайиши қайд этилганда.

Реабилитация муддати операция вақтидан бошлаб беморнинг ишга чиқиш пайтигача бўлган муддатни ўз ичига олади. Клиник самарадорлик жарроҳлик йўли билан даволанган куннинг эртасига, шунингдек 1, 3 ва 6 ойдан сўнг баҳоланган.

Беморлар ҳаёт сифати В.В.Вишняков ва ҳаммуаллифлар томонидан 2010 йилда модификацияланган ринологик беморнинг соғлиғи бўйича тузилган сўровномадан иборат бўлган 2000 йилдаги EQ-5D шкаласи бўйича ўрганилган.

Сўровномада бемор ўз ҳолатини қуйидаги мезонлар бўйича аниқлаган: бурундан нафас олиши, бурундан ажралмалар борлиги, бош оғриғи ёки юз соҳасида оғриқнинг бўлиши, шунингдек бемор операциядан кейинги самарадан қаноат ҳосил қилганлиги аниқланган. Саломатлик шкаласи термометр кўринишида 0 дан 100 гача тасвирланган. Беморга ўз ҳолатини мустақил равишда баҳолаш таклиф этилган. Саломатлик шкаласида бемор ўзи тасаввур қилиши мумкин бўлган “0” қиймати бемор соғлиғининг энг ёмон ҳолатига мувофиқ келган, “100” қиймати эса саломатликнинг энг яхши ҳолатига тўғри келган. Тадқиқотнинг учинчи босқичи МТМ базасида операциядан сўнг 3 ой ўтгач ўтказилган ҳамда ўзида беморлар ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолашни, БЁБ МСКТини бажаришни, шунингдек амалга оширилган жарроҳлик йўли билан даволашнинг клиник самарадорлиги ва бемор ҳаёт сифатини баҳолашни мужассам этади.

Тадқиқот вазифаларини ҳал этишда яллиғланиш жараёнининг оғирлик даражаси, табиати ва давомийлигининг бурун ён бўшлиқлари анатомо-функционал хусусиятларига боғлиқлиги, хусусан, организмнинг иммунологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда юқори жағ бўшлиғи табиий тешиги фаолиятининг ҳолатига боғлиқлик даражасини аниқлаш зарур эди. Беморлар бурун бўшлиғининг операциядан олдинги эндоскопик кўрик маълумотлари бурун бўшлиғи ҳолатининг визуал-аналог шкаласига бирлаштирилди.

Таққослаш гуруҳидаги 50% дан 54,76% гача беморлар ва асосий гуруҳидаги 48,05 % беморлар 13-14 баллга, асосий гуруҳидаги 45,45 % беморлар ва таққослаш гуруҳидаги 37,5% беморлар 11-12 баллга эга бўлишди. Асосий гуруҳда 6,49% ва таққослаш гуруҳида ўртача 10% беморлар камроқ балл олишди.

Операциядан олдин транспорт функциясининг бузилиш даражалари бўйича текширилди. Операциядан олдин бурун шиллиқ пардасининг транспорт функциясини текшириш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал.**

**Транспорт функциясини бузилиш даражалари бўйича ўртача кўрсаткичларининг тақсимооти**

Беморлар гуруҳлари	Кишилар сони ((% ва мутлоқ сонларда)		
	Бузилиш даражалари		
	1 даража (16-19 дақиқа)	2 даража (19-21 дақиқа)	3 даража (21 дақиқадан зиёд)
А гуруҳи	5 (11,9%)	28 (66,67%)	9 (21,42%)
Б гуруҳи	3 (15%)	12 (60%)	5 (25%)
Асосий гуруҳ	15 (19,4%)	56 (72,8%)	6 (7,8%)
Назорат гуруҳи n=20 10-15 дақ.			

1-жадвалдан кўриниб турибдики, бурун бўшлиғи шиллик пардасининг транспорт функцияси барча текширилувчиларда сусайган. Жарроҳлик аралашувидан олдин ушбу функциянинг ўртача кўрсаткичлари гуруҳлар орасида аҳамиятли тафовутларга эга бўлмаган ( $p>0,05$ ), аммо меъёрий қийматлардан ишончли тарзда юқори бўлган ( $p<0,0001$ ). Текширилувчи беморларнинг катта қисмида 96 беморларда (69%) бурун бўшлиғи шиллик пардасининг транспорт функцияси бузилишининг иккинчи даражаси, 23 беморда (16,54%)ида бузилишнинг биринчи даражаси, 20 беморларда (14,3%)ида – учинчи даражаси қайд этилган.

Шундай қилиб, А, Б гуруҳлар ва асосий гуруҳ беморларида операциядан олдин бурун бўшлиғи шиллик пардаси ҳолатининг биз тадқиқ этаётган барча мезонларининг кўрсаткичлари статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутларга эга бўлмаган, аммо меъёрга нисбатан оғишлар қайд этилган.

Бурун бўшлиғи шиллик пардасининг сўрилувчи функциясини операциядан олдин текшириш шуни кўрсатдики, ушбу функция барча гуруҳлардаги беморларда суст бўлган.

## 2-жадвал.

### Тадқиқотдан олдинги даврда сўрилувчи функциясининг ўртача кўрсаткичларини тақсимланиши:

Гуруҳлар	ББШП сўрилувчи вазифасининг кўрсаткичлари
А гуруҳи n=42	5,7±0,8 та/дақ.га
В гуруҳи n=20	5,7±0,3 та/дақ.га
Асосий гуруҳи n=77	5,7±0,7 та/дақ.га
Назорат гуруҳи n=20	2,2±0,7 та/дақ.га

А гуруҳдаги беморларда радикал гайморотомия амалга оширилган. Оператив аралашувдан кейин биз кунлик кўрикларни амалга оширдик ва боғловни алмаштирдик, шунингдек балл тавсифлари асосида 3,7,10 ва 14 суткада постоперацион яллиғланишли жараённинг клиник кўринишларини динамик ўзгаришлари қайд этилди. Беморлардан оғриқ симптоматикасининг ифодаланганлиги ҳақида сўралганда, суст жадалликдаги оғриқ фақатгина дастлабки 3 сутка мобайнида қайд этилганлигини билдиришган. Беморларда 3-чи кунга келиб, эндоскопик кўриқда синус бўшлиғида фибрин карашли геморрагик лахталар кузатилади, кўринадиган деворларда шиллик парда мавжуд эмас. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, биз операциядан кейин 14 кунгача муддатда беморларнинг тўлиқ тикланиши, шунингдек даволашнинг комплексли усулини ўтказганда оғриқ, шиш ёки чокларни

олишгача бўлган даврда перфорациянинг қайталаниши сингари асоратларнинг йўқлиги ҳақидаги хулосага келдик.

20 кишидан иборат Б гуруҳида юқори жағ бўшлиғини ўрта бурун йўли орқали эндоназал очиш операцияси амалга оширилган. Усул асосида табиий тешикни жарроҳлик йўли билан кенгайтириш ётади. ЮЖБда эндоскопик эндоназал операция ўтказилганда ЮЖБнинг олдинги, медиал деворлари, альвеоляр кўрфазни кўриш ҳамда тўқималарнинг кўп қон кетиш муаммолари билан боғлиқ озгина техник қийинчиликлар юзага келган. Бу томирларни торайтирувчи эритмалар билан тўқималарнинг қўшимча анемизациясини талаб этган. Бўшлиқнинг марказий қисми, орқа девор соҳаси яхши кўринган. Эрта операциядан кейинги даврда юз юмшоқ тўқималарининг шиши фақат 2 нафар (9,3%) беморда кузатилган. Беморларни бурун бўшлиғида жойлашган тампон туфайли бурундан нафас олишнинг бузилиши безовта қилган. Тампон олиб ташлангач, беморларнинг аҳволи дарҳол яхшиланган. 3-4-чи суткада ЮЖБ кенгайтирилган табиий тешик орқали антисептик эритма билан ювилган. Барча беморлар бурундан қон аралаш ажралмаларни қайд этишган, уларнинг миқдори аста-секин камайган. операциядан кейин 6-8 суткага келиб, ажралмалар тўхтаган. Операция томонида сезувчанликнинг вақтинчалик бузилиши 2 нафар (9,3%) беморда кузатилган. 3 ойдан сўнг бурун бўшлиғи ва БЁБнинг эндоскопиясида ўрта бурун йўлида ЮЖБнинг кенгайтирилган табиий тешигининг стенози 2 нафар (10%) беморда аниқланган. Шунингдек, 2 нафар (9,3%) беморнинг бурун бўшлиғида синехияларнинг ҳосил бўлиши қайд этилган. Б гуруҳида кисталарнинг қайталаниши 2 нафар (10%) беморда кузатилган. Бурун бўшлиғидаги синехиялар ва кенгайтирилган табиий тешикнинг стенози туфайли рўй берган ЮЖБ вентиляциясининг бузилиши касаллик қайталанишининг сабабчиси бўлган.

ББШП сўрилувчи хусусияти операциядан кейинги текшириш натижалари А гуруҳ беморларида ЮЖБ табиий тешигини ҳаддан ташқари кенгайтирилганлиги ва Б гуруҳ беморларида пастки бурун йўлига қўшимча тешиг очилганлиги сабабли бурун ён бўшлиғи ва бурун бўшлиғида сўрилувчи хусусияти ошганлиги ҳақида далолат беради:


-радикал гайморотомиядан кейин пульснинг максимал ошиши 0,1%ли атропин эритмаси билан ўтказилган синамадан кейин 4-чи ҳафтада  $6,3 \pm 0,6$  та/дақ. ни ташкил этади, 3-чи ойда у  $5,3 \pm 0,3$  та/дақ. га ва 6-чи ойга келиб  $4,3 \pm 0,3$  та/дақ га тезлашади, бу эса шиллик парда хужайраларининг чала тикланганлигини кўрсатади.

ББШП сўрилувчи хусусияти эндоназал операциядан кейин 4-чи ҳафтада юрак уруши сони  $6,9 \pm 0,7$  та/дақ га ошади, 3-чи ойга келиб шиллик парданинг мазкур функцияси  $4,5 \pm 0,3$  та/дақ га тезлашади, ва 6-чи ойга келиб  $3,1 \pm 0,3$  та/дақ ни кўрсатди. Бу эса эпителий хужайралари функциясининг тулик тикланмаганлигини билдиради.

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, мазкур гуруҳ беморларида сўрилувчи функция тикланмаган, операциядан олдин ҳам, кейин ҳам меъёрга нисбатан ишончли тарзда пасайган ( $p < 0,05$ ).

Таққослаш гуруҳидаги беморларда ўтказилган давонинг клиник

самарадорлик таҳлили куйидаги натижаларни намоён этди. “Қониқарсиз” клиник самарадорлик 1 ойдан 3 ойгача кузатув муддатида 13 нафар (21%) беморда аниқланган, айнан шунча сонли беморларда жарроҳлик йўли билан даволангандан кейин кистанинг қайталаниши қайд этилган. Шунингдек, беморларнинг мазкур қисмида жарроҳлик аралашувини салбий натижаларининг турли бирикмалари мавжуд бўлган: юз юмшоқ тўқималарининг шиши 4 нафар (6,4%) беморда, сезувчанликнинг бузилиши 3 нафар (4,8%) беморда, бурун бўшлиғидаги синехиялар 9 нафар (14,5%) беморда, кенгайтирилган табиий тешикнинг стенози 5 нафар (8%) беморда қайд этилган. Шифохонада даволаниш давомийлиги 9 суткани, амбулатор шароитда даволанишни давом эттириш эса 7 суткани ташкил этди. “Қониқарли” клиник самарадорлик 14 нафар (24,0%) беморда аниқланган. Кузатиш даврида мазкур беморларда жарроҳлик аралашувининг куйидаги исталмаган натижалари қайд этилди: юз юмшоқ тўқималарининг шиши 3 нафар (4,8%) беморда, сезувчанликнинг бузилиши 2 нафар (3,2%) беморда, кенгайтирилган табиий тешикнинг стенози 8 нафар (12,9%) беморда, ороантрал алоқа 4 нафар (6,4%) беморда кузатилди. Шифохонада даволаниш давомийлиги 14 нафар беморда 7 суткани, 4 нафар беморда 8 суткани, амбулатор шароитда даволанишни давом эттириш эса 3 суткани ташкил этди. “Яхши” клиник самарадорлик аксарият 35 нафар (56,45%) беморда аниқланган. Бу беморларда эрта операциядан кейинги даврда ҳам, узок келажакдаги даврда ҳам жарроҳлик аралашувининг исталмаган натижалари кузатилмади. Касалликнинг қайталаниши қайд этилмади (1-расм). Шифохонада даволаниш муддати 7 суткани ташкил этди, амбулатор шароитда даволанишни давом эттириш талаб этилмади. Асосий гуруҳдаги беморлар шифохонада даволанишининг ўртача муддати 3 суткани ташкил этди. Реабилитациянинг ўртача муддати – 7 сутка.



1-расм. Таққослаш гуруҳида беморларни даволашнинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Диссертациянинг «Кистозли гайморит билан оғриган беморларда жарроҳлик йўли билан даволаш ташхисотини мақбуллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида юқори жағ бўшлиғи кисталарининг даволаш натижалари ва самарадорлигини баҳолаш тавсифланган.

Маълумотларга кўра, пастки бурун йўли орқали жарроҳлик аралашуви такомиллашган усуlining маълумотлари келтирилган. Ўтказилаётган тадқиқотнинг мақсади, кириш бобида кўрсатилгани каби, юқори жағ бўшлиғига кам инвазивли кириш орқали жарроҳлик аралашувига қиёсий ёндашув билан кистозли гайморитли беморларда даволаш самарадорлиги ва сифатини оширишдан иборат.

Оператив аралашувни мақбуллаштириш учун биз гайморотомиянинг пастки бурун йўли орқали такомиллашган вариантини таклиф этдик, у ўрта бурун йўли орқали бажариладиган эндоанал гайморотомиядан негизан фарқ қилади.

Пастки бурун йўли орқали бажариладиган эндоанал гайморотомия операцияси шифохона ва амбулатор шароитда умумий ва маҳаллий анестезия остида амалга оширилади.

Юқори жағ бўшлиғида бажариладиган эндоскопик операциялар учун мўлжалланган порт-ўтказгич канал билан корпусдан иборат бўлиб, унинг корпуси диаметри  $d_1 = 0,7\text{см}$  ли торайган дистал қисмдан, диаметри  $d_2 = 3\text{см}$  ли кенгайган проксимал қисмдан, шунингдек фиксация учун тутқичдан таркиб топган. Дистал қисм 45 градус остида кесилган бўлиб, унинг учида тешиқ қилинган.

Корпусининг проксимал қисми кенгайган ва дистал қисми торайган қурилма риножарроҳга бир вақтнинг ўзида иккала қўл билан ишлаш имконини беради, юқори жағ бўшлиғи дан пастки бурун йўли шиллиқ пардасини жароҳатламасдан туриб кистани олиб ташлаш учун бир вақтнинг ўзида эндоскоп ва шейверни (ёки қисқич) киргизиш ва чиқаришда қулайлик яратади, бу эса кейинчалик кўпол синехиялар пайдо бўлишини олдини олади, шунингдек операция муддатларини қисқартиради.




**2-расм.** ПБЙ орқали бажариладиган гайморотомиянинг такомиллашган операцияси учун қўлланиладиган қурилма



**3-расм.** Пастки бурун йўли соҳасининг эндоскопик кўриниши. Бурун бўшлиғининг латерал девори шиллиқ пардасига анестетик эритма инфильтрациясининг бажарилиши босқичи.





**4-расм** - Пастки бурун йўли соҳасининг эндоскопик кўриниши.

Операция эндотрахеал наркоз остида ва қўшимча маҳаллий анестезия ҳамда маҳаллий анестезия остида бажарилади.

Пастки бурун чиғаноғи синдирилгандан ва кўтарилгандан кейин пастки бурун йўлининг латерал деворида \_\_\_\_\_ симон кесим қилинади. Юмшоқ тўқималар распатор билан ажратилади, суяк девори очилади. Искана ёки бор билан юқори жағ бўшлиғи очилади, тешик яратилади ва қурилманинг тутқичи билан фиксация қилиниб киритилади, қон кетиш жароҳат четлари деворлар билан қисилгани ҳисобига тўхтади. Бўшлиққа шейвер ва эндоскопнинг учлари қурилма орқали киритилади (0 ва 30 градусли). Киста кўрилгандан сунг олиб ташланади. Бўшлиқ илиқ физиологик эритма билан ювилади, бўшлиқнинг физиологик тешиги кўриқдан ўтказилади.



**5-расм**- Пастки бурун йўли суяк деворининг очилиши



**6-расм** – Ўтказгич орқали шейвер ва эндоскопнинг учликлари киритилган



7-расм. Юқори жағ бўшлигидаги кистанинг кўриниши

Бўшлиқда бажарилаётган муолажа тугалланганидан кейин қурилма чиқариб олинади. Ажратилган юмшоқ туқималар ўз жойига жойлаштирилади. Операция тугагач, пастки бурун йўлига йодоморфли еки синтомицилли тампон қўйилади, бир суткадан сўнг у чиқариб ташланади.

Бурун бўшлиғи шиллик пардасининг функционал текшируви қуйидаги натижаларни кўрсатди. Бурун бўшлиғи шиллик пардаси транспорт функциясининг гайморотомиядан 30 кун, 1 ой, 3 ва 6 ойдан кейинги кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.


### 3-жадвал.

#### Жарроҳлик аралашувининг ўтказилган муддатларига қараб гуруҳлар бўйича бурун бўшлиғи шиллик пардаси транспорт функцияси кўрсаткичларининг тақсимоти.

Ўтказилган муддатлари, гуруҳлар тадқиқоти		Кишилар сони (% ва мутлоқ сонларда)			
		1 даража (16-19 дақиқа)	2 даража (19-21 дақиқа)	3 даража 21 дақиқа ва ундан кўп	Назорат гуруҳи 10-15 мин
Опер ақияд ан	А гуруҳи	-	7 (16,6%)	35 (83,3%)	-
	Б гуруҳи	-	3 (15%)	17 (85%)	-
	Асосий гуруҳи	-	13 (16,8%)	64 (83,1%)	-
Опер ақияд ан	А гуруҳи	16 (38,1%)	26 (61,9%)	-	-
	Б гуруҳи	1 (5%)	19 (95%)	-	-
	Асосий гуруҳи	12 (15,6%)	-	-	65 (84,4%)
Опер ақияд ан	А гуруҳи	41 (97,7%)	1 (2,3%)	-	-
	Б гуруҳи	17 (85%)	-	-	3 (15%)
	Асосий гуруҳи	-	-	-	77 (100%)

**Изоҳ** – гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар аниқланмади ( $\chi^2$ -квадрат мезони  $p > 0,05$ ). \* гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар аниқланди ( $\chi^2$ -квадрат мезони  $p < 0,05$ ).

Бурун бўшлиғи шиллик пардасининг киприкчали эпителийи жуда сустралган ҳолатда бўлган, барча беморларда транспорт функциясининг кўрсаткичлари операциядан олдинги қийматларга қараганда ёмонроқ эди, бузилишнинг иккинчи ва учинчи даражаларига мувофиқ келган ва гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли қийматларга эга эмас эди ( $p > 0,05$ ). Операциядан сўнг 1-чи ойга келиб, биз А, Б ва асосий гуруҳ беморларида бурун бўшлиғи шиллик пардасининг ҳилпилловчи эпителийи функциясининг тикланиши бўйича ижобий динамикани кузатдик. Аммо бу жараённинг жадаллиги гуруҳларда фарқ қилган.



**8-расм.** Текиширилаётган гуруҳларда транспорт функциясининг динамикадаги ўртача кўрсаткичлари.

А ва Б гуруҳларда транспорт функциясининг ўртача кўрсаткичлари мос равишда  $21,3 \pm 0,65$  дақиқа ва  $21 \pm 0,5$  дақиқани, асосий гуруҳда эса  $21 \pm 0,08$  дақиқани ташкил этди. Назорат гуруҳида ушбу муддатларда операциядан кейин бурун бўшлиғи шиллик пардасининг транспорт функцияси томонидан статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар қайд этилмади ( $p > 0,05$ ). Операциядан сўнг 3 ой ўтгач бурун бўшлиғи шиллик пардаси транспорт функциясининг ўртача кўрсаткичлари А ва Б гуруҳларда операциядан олдинги қийматларга нисбатан анчагина яхшиланган ( $p < 0,0001$ ) ва мос равишда  $20,15 \pm 1,48$  дақиқа ва  $19,0 \pm 1,36$  дақиқани ташкил этди, аммо ҳали меъерий қийматларга эга бўлмади (меъёрда  $13 \pm 2,17$  дақиқа). Асосий гуруҳда бу кўрсаткич  $16,05 \pm 0,09$  дақиқага тенг бўлган, бу ҳам операциядан олдинги қийматларга қараганда яхшироқ ( $p = 0,021$ ). 6 ойдан сўнг А гуруҳ да МЦТ ўртача ҳисобда 16,25 дақиқани ва Б гуруҳида 17 дақиқани кўрсатган бўлса, асосий гуруҳда эса бۇ кўрсаткич 13,05 дақиқани кўрсатди. Бў ҳолат бурун шиллик қаватининг транспорт вазифаси тулик тикланганидан дарак беради.

Шунингдек, биз бу муддатларда барча гуруҳлардаги гайморотомиядан кейинги беморларда асоратларнинг мавжудлигини баҳоладик.

#### 4-жадвал.

#### Жарроҳлик аралашувидан кейин бир ой ва ярим йил ўтгач гайморотомия ўтказилган беморларда асоратларнинг мавжудлиги.


	Асоратлар турлари	А гуруҳи	Б гуруҳи	Асосий гуруҳи
1	Учламчи нерв невропатияси (2 - тармоғи)	9	7	-
2	Киста қайталаниши	5	2	-
3	ЮЖБ йирингланиши	3	2	-
4	ЮЖБ олдинги деворнинг ботиши	5		-
5	ЮЖБ соҳасида оғирлик сезгиси	5	-	-
6	ЮЖБ табиий тешиги еки бурун йўлида чандикнинг ҳосил бўлиши	13	5	1

А гуруҳда асоратлардан асосан учламчи нерв невропатияси 9 нафар ва Б гуруҳида 7 нафар беморларда 3 ойдан сўнг кузатилган, шу сабабли бемор невропатологга мурожаат қилган. А гуруҳда 5 ҳолатда, Б гуруҳда 2 беморда

касаллик қайталаниши кузатилган, таққослаш гуруҳида ЮЖБ табиий тешигида ва бурун йулида чандик ҳосил бўлиши ҳам 18 беморда қайд этилган.

Фенилэфринли Полидекс назал спрейи билан даволаш натижасида ифодаланган ижобий динамика кузатилади. Риноскопик кўрсаткичлар динамикасининг таҳлилида бурун бўшлиғи шиллик пардаси шиши, бурун йўллари ичининг торайиши, патологик назал секретнинг мавжудлиги сингари белгиларнинг ифодаланган даражада камайиши беморларда таққослаш гуруҳига нисбатан фенилэфринли Полидекс воситасини қўллаганда кузатилган.

Текшириш натижалари бўйича биз ЮЖБК ли беморларни монотерапия кўринишида фенилэфринли Полидекс воситаси билан даволаш вақтида улардаги симптоматика динамикасини таҳлил қилдик.



9-расм. Фенилэфринли Полидекс воситаси билан даволаш жараёнида беморларда симптомлар динамикаси

Диаграммадан кўришиб турибдики (9-расм), биз клиник кўринишларнинг ифодаланган ижобий динамикасини кузатдик, бу танланган даволаш усулининг юқори самарадорлиги ҳақида далолат беради. Фенилэфринли Полидексни қўллагандан кейин беморларга Момат А воситаси тайинланди.

Асосий гуруҳдаги барча беморларга операциядан кейин назал лаважнинг иммунологик текшируви ўтказилди. Иммунологик текширувларнинг маълумотлари операциядан олдин, операциядан кейин 3 ой ва 6 ой ўтгач таққосланган. Қуйида пастки бурун йўли орқали гайморотомиянинг такомиллашган усули қўлланилгандан кейин беморларда назал лаваж иммунологик кўрсаткичларининг солиштирма маълумотлари келтирилган.

### 5-жадвал.


#### Асосий гуруҳ беморларида sIgA, IgE бурун ажралмасининг иммунологик маълумотлари.

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Операциядан олдин	1 ой	3 ой	6 ой
sIg A	34±5*	19,4±2,6*	29,7±2,5*	35,2±2,7*	35,2±3,5**
Ig E	0,07±0,02	0,3±0,05	0,23±0,05	0,07±0,05	0,07±0,05

Изоҳ - \*гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли қийматлар аниқланган (Хи-квадрат мезони  $p < 0,005$ )

5-жадвал маълумотларига кўра, меъёрга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар аниқланган. Аммо беморларнинг асосий гуруҳида операциядан кейин 10 кун мобайнида Фенилэфринли Полидекс воситасини, кейин эса 6 ой мобайнида Момат А воситасини комплексли қўллагандан кейин меъёрга яқин ўзгаришларни қайд этдик.

Ринологик беморнинг саломатлигини баҳоловчи EQ-5D сўровномаси бўйича беморлар ҳаёт сифатини текширишда қуйидаги натижалар аниқланган. Беморлар операциядан кейин 30 кун сўралганида ўртача балл таққослаш гуруҳида  $47 \pm 2$  ( $p < 0,05$ ) ни, асосий гуруҳида  $59 \pm 3$  ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этган. Гуруҳлар орасида ҳаёт сифатидаги фарқ 12 баллни ташкил этди, бу эса таққослаш гуруҳидаги эндоскопик эндоназал операциядан кейин эрта операциядан кейинги даврда беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларининг юқори даражада эканлигини кўрсатади. Таққослаш гуруҳида жарроҳлик йўли билан даволангандан 1 ой ўтгач ҳаёт сифатининг ўртача бали асосий гуруҳидаги  $83 \pm 3$  ( $p < 0,05$ ) баллга қараганда  $64 \pm 4$  ( $p < 0,05$ ) га тенг бўлган, кузатиш охирида эса таққослаш гуруҳ беморларида ўртача балл  $87 \pm 2$  ( $p < 0,05$ ) ни, асосий гуруҳ беморларида эса  $95 \pm 2$  ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этган. Тадқиқот охирида гуруҳлар орасидаги ҳаёт сифати кўрсаткичларининг фарқи минимал бўлган ва 8 баллни ташкил этган, бу эса иккала гуруҳида жарроҳлик йўли билан даволашнинг юқори самарадорлигини ва беморлар ҳаёт сифатининг юқори кўрсаткичларини намоиш этади.



**10-расм.** Текширилаётган гуруҳларда саломатлик бўйича сўровноманинг солиштирма маълумотлари.

EQ-5D саломатлик бўйича сўровноманинг таҳлили таққослаш тадқиқот гуруҳида аста-секин ижобий динамикани кўрсатади.

Олинган натижалар юқори жағ бўшлиғи кисталарида патологик жараён ташхисотида сўровноманинг юқори ахборот берувчанлигини ва усулнинг сезгирлигини кўрсатади (ринологик бемор ҳаёт сифатининг EQ-5D сўровномаси).

ЮЖБда эндоскопик эндоназал операцияни олдинги девор орқали бажариш бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари унинг эрта операциядан кейинги даврда афзаллигини кўрсатади. Эндоскопик эндоназал

усулнинг пастки бурун йўли орқали бажарилиши юқори жағ бўшлиғи кисталарини даволаш сифатини анчагина оширади, жарроҳлик аралашувининг исталмаган натижаларини табиати ва миқдори ўзгаради. Шунингдек, пастки бурун йўли орқали такомиллаштирилган усулнинг қўлланилиши камроқ техник жиҳозланишни талаб этади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Сўрилувчи функциясининг ўртача кўрсаткичлари  $6,5 \pm 2$  зарба/мин/га, транспорт функцияси  $18,6 \pm 0,4$  дақиқага ошди, бурун шиллик қаватининг гуморал иммунитет кўрсаткичлари операциядан олдинги даврда барча беморларда sIgA  $19,4 \pm 2,6$  мг/л га камайди ва IgE  $0,3 \pm 0,05$  мг/л га ошди. Такомиллаштирилган гайморотомия ва комбинацияланган дориларни қўллашдан сўнг, СВ-нинг тўлиқ нормаллашуви  $2,7 \pm 0,2$  зарба/мин./га, ТФ-  $13 \pm 0,3$  мин., sIgA  $31,2 \pm 1,6$  мг/л, IgE  $0,17 \pm 0,05$  мг/л. асосий гуруҳ беморларида бўлди, Бу операциядан кейинги эрта даврда бурун шиллик қаватининг мукотсиллиар транспортининг тикланиш вақтини ва сўрилувчи функциясини мос равишда 21,7% ва 20,6% га камайтиришга имкон беради.

2. Ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган қурилма пастки бурун йули орқали жарроҳлик даволаш усули остиомеатал мажмуанинг бузилмаган тузилмаларини сақлаб қолганда, максилларар синусни санациясида юқори клиник самарадорликка эга, шунингдек, шифохоналарда эндоскопик усуллига эга мутахассислар томонидан қўллашда энг самарали усул ҳисобланади.

3. Операциядан кейинги эрта даврда бурун бўшлиғининг мукосилиар тизимини функционал ўрганиш натижалари билан солиштирганда, беморларда операциядан кейин яхшиланганидан кейин 1,3 ва 6 ой ўтгач бу усул эпителий функциясининг сезиларли даражада ошишини ( $p < 0,05$ ) аниқлади, бу бурун бўшлиғи тузилмаларини сақлаб қолиш билан боғлиқ ва даволашдан олдин ва кейин, шунингдек 3 ва 6 оралиғида корреляцион боғлиқлик аниқланган. 23,36% ҳолларда жарроҳлик даволашдан бир неча ой ўтгач.

4. Иккала гуруҳ ўртасидаги ҳаёт сифатидаги фарқ 12 баллни ташкил этди, бу эса такомиллаштирилган технология билан даволанишдан сўнг операциядан кейинги эрта даврда таққослаш гуруҳидаги беморларнинг юқори турмуш тарзини билдиради. Ўртача 1 ой давомида жарроҳлик таъсиридан кейинги ҳаёт сифати гуруҳда  $64 \pm 4$  ( $p < 0,05$ ) баллни, иккинчи гуруҳда эса  $83 \pm 3$  ( $p < 0,05$ ) баллни ташкил етди. 6 ойдан сўнг таққослаш гуруҳидаги баллар сони ўртача  $87 \pm 2$  ( $p < 0,05$ ), асосий гуруҳда эса  $95 \pm 2$  ( $p < 0,05$ ).

5. ЮЖБ кистларининг қайталанишининг олдини олиш учун операциядан кейинги даврда операциядан кейинги дастлабки 10 кунда фенилэфрин билан бирлаштирилган Полидекса препаратларини ва Момат-А бурун спреји камида 6 ой давомида ишлатиш тавсия этилади

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ХАЙИТОВ АЛИШЕР АДХАМОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ  
КИСТ ВЕРХНЕЧЕЛЮСТНЫХ ПАЗУХ**

**14.00.04- Оториноларингология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД – 2021**



**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Tib.1496**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:**

**Насретдинова Махзуна Тахсиновна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Егоров Виктор Иванович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Шамсиев Жахонгир Фазлитдинович**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Медицинский университет Пловдив**  
(республика Болгария)

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском институте (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz))

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского института (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_) Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ж.А.Ризаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.У.Самиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**К.Э.Шомурадов**

Председатель научного

семинара  
присуждению

при научном совете по

ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии наук (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ «...кисты околоносовых полостей являются одними из самых распространенных форм хронического синусита и выявляются случайно при КТ головы у 12-22% людей и часто протекают бессимптомно»<sup>1</sup>. Хронический синусит - одна из самых актуальных проблем современной медицины в современном мире. За последние 20 лет заболеваемость этим заболеванием увеличилась вдвое. В настоящее время нет единого мнения о симптоматике кист, наблюдаемых в верхнечелюстных пазухах, и этот вопрос становится все более актуальным, и требует детального изучения. Кисты верхнечелюстной пазухи - одна из самых частых патологий средней трети головы. До сих пор нет единого мнения о современном подходе к диагностике и лечению кист и в области прикладной медицины принимаются обширные меры по этому вопросу.

В мировой медицине особое внимание уделяется исследованиям, направленным на модернизацию методов раннего обнаружения диагноза, лечения и профилактики хронических синуситов, в том числе у пациентов с кистами верхнечелюстной пазухи. В результате повышение уровня современной медицинской помощи, диагностики и лечения пациентов с кистами верхнечелюстной пазухи в популяции на ранних стадиях определяет приоритетность глубоких научных исследований для оказания качественной медицинской помощи. Сегодня разработка способов повышения эффективности диагностики и лечения кист верхнечелюстной пазухи приобретает особое значение.

